



**“ТАСДИКЛАЙМАН”**  
**Беруний тумани Ободонлаштириш**  
**бошкармаси бошлиги**

**М.Каримов**

**Беруний тумани Лолазор МФЙ Наманган, Фазогир, Кумушсимон, Кушбулок, Тараккиёт, Элликкаля, Денов ички кучаларини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш танлов хужжатлари**

Танлов хужжатларининг мазмуни:

1. Танлов иштирокчилари учун йуриқнома
2. Техник қисм
3. Нархлар қисми

**Танлов иштирокчиси учун йуриқнома: Танлов предмети ва тахминий қиймати**

1. Беруний тумани Лолазор МФЙ Наманган, Фазогир, Кумушсимон, Кушбулок, Тараккиёт, Элликкаля, Денов ички кучаларини жорий таъмирлаш ишлари учун лойиха смета хужжатларини тайёрлаш.

1.2 Махсулот буйича техник топширик танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган. Ушбу танлов яқунлари буйича голиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.3 Ишларни бажариш муддати: Голиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.4 Ишларни бошлаш муддати: аванс маблаг итказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

**2. Танлов ташкилотчилари**

2.1 Беруний тумани Ободонлаштириш бошкармаси (бундан кейин “Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

2.2 Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар итказиш буйича тузилган Харид комиссияси томонидан итказилади.

2.3 Танлов Беруний тумани Ободонлаштириш бошкармаси “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда итказилади.

**3. Танлов иштирокчилари**

3.1 Танлов мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар курсатишга ихтисослашган, қаида 3 йил тажрибага эга булган барча юридик мақомга эга булган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2 Танловда иштирок этиш учун талабгорларга малакавий талаблар қуйилади. Танлов предмети ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур булган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, объектнинг мураккаблик даражасига қараб, “Лицензия” ва “Гувоҳнома” 684-Қонун 13-моддасига риоя этилиши шарт.

-Моддий-техника базаси ҳамда ташкилотнинг оргтехника руйхати усқуналар

-Бахтсиз ходисалар булган вазиятларда ишчи ходимларнинг ҳаёти сугурталанганлиги

-Техника ҳвфсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда йуриқномалари

-Ишчи ходимларнинг диплом нусхалари, меҳнат дафтарақчалари ёки mehnat.uz сайти орқали руйхатдан итганлиги туғрисидаги хужжат

-Бажарилган ишларга бериладиган қафолат муддати

-Шу соҳада олдин қилинган ишлари буйича буюртмачилар берган тавсифномалари

3.3 Агар танлов предмети булган ишлар (хизматлар) бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликга биноан лицензиялаштириш зарур булса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга булган талабгорларга руҳст этилади.

3.4 Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга руҳсат берилмайди:

қайта ташкил этилиши (ажралиши, қушилиши), туғатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик қелишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

**4. Танловда иштирок этиш учун тақлифларни тақдим этиш**

4.1 Танлов учун тақлифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига қура узбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2 Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

Техник қисм: “Буюртмачи” томонидан қуйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар курсатилиши қерак.

Нархлар кисми: Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, туловлар тартиби ва якуний туловлар ва бошка боглик курсаткичлар курсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухри билан тасдикланган холда ёки хар бир варагини мухрлаб тасдиклаган холда такдим этишлари лозим.

4.3 Куйидаги хужжатлар тулик булиши талаб этилади:

Техник ва нархлар буйича куйидаги таклифлар:

Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ухшаш хужжатлар руйхатиилова килинади); Нархлар таклифи ва нархлар буйича жадвал тулдирилиши ва илова килиниши лозим.

4.4 Танлов иштирокчиси:

факат битта таклиф бериши мумкин, такдим этилаётган хужжатларнинг хакикийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тулик жавобгар булади, таклифлар бериш муддати тугагунга кадар уз таклифларини кайтариб олиш ёки узгартириш хукукига эга.

**5. Таклифларни такдим этиш муддатини узайтириш**

5.1 Харид комиссияси танлов учун таклифларни кабул килиш муддатини барча иштирокчилар учун таълуқли холда эълон килинган муддатдан яна 5 календар кунга узайтириш мумкин.

5.2 Таклифлар муддатини узайтирилиши факат харид комиссияси йигилиши карори асосида амалга оширилади.

5.3 Танлов муддатини узайтириш тугрисидаги карор махсус ахборот порталида жойлаштирилиш лозим.

**6. Томонларнинг жавобгарлиги**

6.1 давлат харидлари тугрисидаги Конун талабларини бузган шахслар конунчиликда белгиланган тартибда жавобгар буладилар.

6.2 Харид комиссияси давлат харидлари буйича конунчиликда белгиланган тартибда голиб иштирокчиларни аниклаш ва асосланган карор кабул килиш буйича мажбурдир.

6.3 Танлов иштирокчиси такдим этилган барча хужжатларни хакикийлиги ва тугрилигига жавобгардир. Голиб иштирокчи деб топилгандан сунг конунчиликда белгиланган тартибда давлат буюрмачиси билан Урнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

**7. Бошка шартлар**

7.1 Давлат буюрмачиси танлов хужжатларига Узгартиришлар киритиш тугрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин карор кабул килишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) Узгартиришга йул куйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига Узгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда агар эълонга Узгартириш киритилади.

7.2 Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов утказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига суров юборишга хамда суров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур суров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган булса, ушбу суровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини Узгартирмаслиги керак.

7.3 Таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси харид комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади хамда ундан олинган кучирма у имзолаган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон килинади.

7.4 Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни куриб чикиш ва бахолаш баённомаси эълон килинганидан сунг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни такдим этиш тугрисида муров юборишга хақли. Давлат буюртмачиси бундай суров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни такдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари буйича шартнома танлов хужжатларида ва узи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда курсатилган шартлар асосида тузилади.